

Х. ХИЗМАТЛАР

Бутун дунёда иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим қонуниятларидан бири, иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлиги ва миллий иқтисодиётда хизматларнинг тобора ортиб бораётган роли ҳисобланади, бу хизматлар соҳасида фойдаланиладиган меҳнат, моддий ва молиявий ресурслар улушининг ортиши билан изоҳланади.

Жамиятнинг ривожланиши ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши билан хизматлар соҳасининг муайян ривожланиши юз беради. Бу ерда, хусусан, соҳада иш билан бандликнинг ошиши, меҳнатни техник жиҳозланишининг ўсиши, илғор технологияларнинг жорий этилиши кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг ўрни жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви, бозорни кунлик ва шахсий талабдан келиб чиқган ҳолда товарлар билан тўлдириш, жамият ҳаётини янгиловчи илмий-технологик тараққиётнинг жадал ўсиши билан боғлиқдир.

Иқтисодий соҳада хизматлар соҳасининг ўсиши бозор шароитидаги, кўрсатилган хизматлар учун тўловни қабул қилиш тезлиги ва материал сарфининг камлиги, бу қўшилган қийматнинг ошиши ва пировардида ялпи ички маҳсулотнинг ошишига олиб келадиган муҳим омиллар билан боғлиқдир.

Буларнинг барчасини ахборот, молиявий, транспорт, суғурта ва бошқа хизмат турларисиз амалга ошириб бўлмайди. Бундан ташқари, хизматлар товарлар савдосининг ажралмас қисми ҳисобланади (айниқса техник жиҳатдан мураккаб), чунки товарларни сотиш асосан сотиш вақтида кўрсатилаётган хизматлардан ва сотишдан кейинги хизматлардан иборат ривожланаётган тармоқни талаб қилади.

Янги корхона ва ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш келгусида иш ўринларини кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.


2019 йил 1 октябрь ҳолатига республикада 386,0 мингга яқин фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилди. Шундан, хизматлар соҳасида 253 мингдан ортиқ корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,0 % га ошди.

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши сезиларли даражада салмоғлидир. Шундай қилиб, 2019 йил 1 октябрь ҳолатига, у 65,7 % ни ташкил этди.

Такқослаш учун: кузатилган даврда саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши - 17,8 %, қурилиш - 9,2 % га этди ва атига 7,3 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётганларнинг улуши, %


(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2019 йил 1 октябрь ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар таркибида савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар улуши (37,6 %) юқоридир. Бунинг сабаби ушбу фаолиятнинг юқори даромадлилиги ва кетган харажатларни тез қоплай олишида.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, %

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларни кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг улуши 9,7 % га тенг.

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар умумий сониди ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотларнинг улуши 6,0 % га етди.

Ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ва алоқа хизматларини кўрсатувчи фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши 3,1 % ни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 3,0 % ни ташкил этди.

Маълумот учун: 2018 йил 1 октябрь ҳолатига хизматлар соҳасида 209,5 минг бирлик корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатган.

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий таркибида энг катта қисмини савдо хизматлари (33,1 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (9,2 %), ташиш ва сақлаш (6,2 %), ахборот ва алоқа (3,3 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (3,1 %), бошқа турлари (45,1 %) ташкил этган.

Кичик тадбиркорлик субъектлари мамлакатда хизматлар соҳасини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга ва шунга кўра, тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши зарур.


Сўнгги йилларда республикада тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай шароит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий қафолатларини кучайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилинди, рухсатнома ҳужжатларни олиш тартиби соддалаштирилди ва тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар бекор қилинди.

Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ўсиши хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар умумий сонининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, ўтган йилга нисбатан, 2019 йил 1 октябрь ҳолатига уларнинг сони 40,5 минг бирликга кўпайди ва 191,7 минг бирликни ташкил этди, ўсиш 26,8 % га ошди.

Хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар умумий сонининг 75,7 % ни кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидан кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Хизматлар кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар умумий сонининг 191,7 минг бирликдан ортиғи кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. 2019 йил 1 октябрь ҳолатига уларнинг улуши 59,3 % ни ташкил этди. Уларнинг сони 40,5 минг бирликга кўпайди, ўсиш 26,8 % ни ташкил этди.

Хизматлар соҳасида банд бўлган кичик тадбиркорлик субъектлари




Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони 43,9 минг бирликга кўпайди.

Ўтган йилга нисбатан савдо фаолиятида юқори ўсиш суръатлари 37,6 % кузатилди. Ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони 26,1 минг бирликга кўпайди ва 95,4 минг бирликга етди.

Шунингдек, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар фаолиятида ҳам ўсиш кузатилди - 27,6 %. Ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 5,3 минг бирликга кўпайди ва 24,5 минг бирликни ташкил этди.

2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш, минг бирлик
(2019 йил 1 октябрь ҳолатига)




2019 йил январь-сентябрь ойларида хизматлар соҳасида янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотлар сони (47,0 минг бирлик) ўтган йилга нисбатан 22,2 минг бирликга кўпайди.

2018 йилнинг шу даврига нисбатан савдо фаолияти билан шуғулланувчи янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг ўсиши 3,2 баравар ёки 19,2 минг бирликга кўпайди.

Шу билан бирга, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларини кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар орасида ўсиш кузатилмоқда. Уларнинг сони 2,5 минг бирликга кўпайди ва 5,4 минг бирликга тенг бўлди.

Шу билан бирга, бошқа фаолият турлари билан шуғулланадиган корхоналар ва ташкилотларнинг камайиши қайд этилди. Уларнинг сони 0,8 минг бирликга камайди ва 8,8 минг бирлик даражасида қайд этилди.

**Хизматлар соҳасида банд бўлган янги ташкил этилган
корхоналар ва ташкилотлар сони, минг бирлик
(2019 йил январь-сентябрь ойларида)**



Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони (43,9 минг бирлик) 23,8 минг бирликга кўпайди.

Инновацион технологияларни жорий этиш ва анъанавий хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ишлаб чиқарилган бозор хизматлар ҳажмини ошишига олиб келади.


Шундай қилиб, дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-сентябрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 135 572,0 млрд. сўмга етди. Унинг номинал ҳажми 27 263,0 млрд. сўмга ошди. Таққослама эквивалентда, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 12,7 % ни ташкил этди.



Ўсиш суръати 112,7 %	Ҳажми 27 263,0 млрд. сўмга ошди	Хизматлар ҳажми 135 572,0 млрд. сўм
---------------------------------------	--	--

Бугунги кунда хизматлар соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

2019 йил ойлар бўйича кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг таққосланиши, трлн. сўм



2019 йилнинг учинчи дискрет чорак якунларига кўра ҳажм 51 377,6 млрд. сўмга тенг бўлди, 2019 йилнинг иккинчи дискрет чорагига (44 025,7 млрд. сўм) нисбатан 7 351,9 млрд. сўмга ошди. Таққослаш учун: иккинчи ва биринчи дискрет кварталлар ўртасидаги фарқ 3 857,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Инвестиция фаолияти - мамлакатнинг иқтисодий ўсишининг муҳим элементи. Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳити учун барча шароитлар яратилмоқда, хорижий сармоядорлар учун кенг қамровли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар тизими амал қилмоқда ва такомиллаштирилмоқда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган.

2019 йил январь-сентябрь ойларида хизматлар соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши умумий инвестиция ҳажмининг 25,2 % ни ташкил этди ва 33 685,3 млрд. сўмга тенг бўлди.

Хизматлар соҳасининг асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмида транспорт ва сақлаш (22,0 %), савдо (13,0 %), таълим (11,5 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (8,9 %) улуши, шунингдек, ахборот ва алоқа (6,4 %) устунлик қилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар соҳасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўзлаштирилиши, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)




Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш

(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)

	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Жамига нисбатан %
Хизматлар – жами	135 572,0	112,7	100,0
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	7 713,3	108,1	5,7
молиявий хизматлар	24 401,2	161,4	18,0
транспорт хизматлари	38 718,3	105,4	28,6
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	18 003,7	102,8	13,3
яшаш ва овқатланиш хизматлари	4 073,4	106,2	3,0
савдо хизматлари	34 213,9	104,3	25,2
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	4 191,7	103,6	3,1
таълим соҳасидаги хизматлар	4 603,6	100,9	3,4
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	2 053,1	108,7	1,5
ижара хизматлари	2 830,7	102,9	2,1
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	2 240,1	104,6	1,7
шахсий хизматлар	3 288,3	104,3	2,4
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	2 696,9	109,8	2,0
бошқа хизматлар	4 547,5	103,3	3,3

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш омили, жорий йилнинг ўтган даврига нисбатан молиявий (9587,0 млрд. сўмга) ва транспорт хизматлари (6762,0 млрд. сўмга), савдо хизматлари (5263,8 млрд. сўмга), таълим соҳасида (693,1 млрд. сўмга) яшаш ва овқатланиш (720,1 млрд. сўмга), кўчмас мулк билан боғлиқ (644,3 млрд. сўмга), шунингдек алоқа ва ахборотлаштириш (261,5 млрд. сўмга) хизматлари ҳажмининг ошиши ҳисобланади.

Умумий хизматлар таркибида устун бўлган хизмат турлари
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида энг катта улушни транспорт хизматлари эгаллайди. Шундай қилиб, 2019 йил январь-сентябрь ойларида уларнинг улуши 28,6 % ни ташкил этди. Транспорт хизматлари ҳажмининг ўсиши юк ва йўловчиларни ташиш хизматларига талабнинг ошиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида туристик фаолиятнинг жадал ривожланиши, савдо тармоғининг кенгайиши, қурилиш лойиҳаларини янада амалга ошириш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, шунингдек транспорт ва логистика инфратузилмаси билан боғлиқ.

Шу билан бирга, юқори кўрсаткичлар савдо хизматлари (25,2 %), молиявий хизматлар (18,0 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (5,7 %) бўйича қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажмининг бир оз ошиши кузатилди, уларнинг улуши атиги 1,5 % га етди. Шунингдек компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар - 1,7 %, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар - 2,0 %, ижара хизматлари - 2,1 % бўйича унча юқори бўлмаган улуш қайд этилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган
бозор хизматларининг таркиби, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)**



Сифатли ўзгаришлар ва институтционал ислохотлар чуқурлашиши билан бир қаторда чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизматлар каби хизматлар турлари асосан хусусий тадбиркорликни фаоллашуви ҳисобига жадал ривожланмоқда.

Давлатнинг иқтисодий сиёсатида ахборот ва алоқа хизматлари (мобиль алоқа, Интернет, рақамли телевидение ва бошқалар) каби замонавий хизмат турларини, шунингдек замонавий молиявий хизмат турларини (банк хизматлари, лизинг, суғурта, аудит, консалтинг ва бошқалар) ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳисобот даврида энг юкори ўсиш суръатларига молиявий хизматлар – 161,4 %, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар – 109,8 %, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар – 108,7 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 108,1 %, яшаш ва овқатланиш хизматлари – 106,2 % бўйича эришилди.

Нисбатан пастроқ ўсиш суръатлари таълим соҳасидаги хизматлар (100,9 %), ижара хизматлари (102,9 %), бошқа хизматлар (103,3 %), шунингдек, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар (103,6 %) бўйича кузатилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган
бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)**




Транспортнинг ривожланиш тарихи инсон жамиятининг тарихидан ажралмасдир. қадимги даврларда пайдо бўлган транспорт, ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланиши ва инсонларнинг яшаш шароитлари билан узвий боғлиқ равишда ривожланиб, такомиллашмоқда. Бунинг сабаби, меҳнат қуроллари ва буюмлари шунингдек инсоннинг ўзи ўзгаришга ҳаракат қилмасдан истеъмол товарлари ёки бошқа мақсадли йўналтирилган фаолиятни ишлаб чиқариш мумкин эмас.

Таъкидлаш жоизки, транспорт хизматлари ҳажмининг ўсиши, биринчи навбатда, юк ва йўловчиларни ташиш хизматларига талабнинг ошиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида туристик фаолиятнинг жадал ривожланиши, савдо тармоғининг кенгайиши, қурилиш лойиҳаларини янада амалга ошириш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, шунингдек транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ.

Транспорт хизматларининг умумий ҳажмида автомобиль транспортининг улуши 46,5 % га тенг.

Қувур йўли орқали ташиш бўйича хизматларнинг улуши 21,1 % ни ташкил этди.

Транспорт хизматларининг таркиби, % (2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Солиқ бошқарувини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон Фармонида биноан жорий йилнинг охирига қадар Ўзтранс ягона интерактив ахборот тизими базасида "Юк ташишлар мониторинги" ахборот платформаси ишлаб чиқилади. У юк ташиувчилар томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, юк жўнатувчилар ва уни қабул қилиб олувчилар томонидан реал вақт режимида товарлар ҳаракатини мониторинг қилишни таъминлайди. Шунинг асосида, 2020 йил 1 январдан бошлаб юк ташиувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини Ахборот платформасида мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилади (<https://www.spot.uz>).

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида темир йўл транспорти хизматлари 15,9 % ни эгаллайди.

Ҳаво транспортида юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар улуши умумий транспорт хизматлари ҳажмининг 11,0 % ни ташкил этади. Ёрдамчи транспорт фаолиятининг улуши транспорт хизматлари умумий ҳажмида 5,5 % га етди.

Транспорт хизматларининг энг катта улуши автомобиль транспортида юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматларга тўғри келади. Транспортнинг ушбу тури бошқа транспорт турлари билан таққосланганда унинг нисбатан қулайлиги ва кўрсатилаётган хизматларнинг нисбатан арзонлиги сабабли энг кўп талабга эга бўлган транспорт турларидан бири ҳисобланади.

Автомобиль транспортида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмида йўловчилар транспорти катта улушга эга. Шундай қилиб, 2019 йил январь-сентябрь ойларида автомобиль транспортида йўловчи ташиш хизматларининг улуши 70,4 % га етди.

Автомобиль транспортида кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида юк ташиш хизматлари улуши 29,6 % ни ташкил этди.

Ташиш турлари бўйича автомобиль транспортида кўрсатилган бозор хизматларининг таркиби, %


(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Энг катта улуш Тошкент шаҳри (17,7 %), Тошкент (13,3 %), Самарқанд (11,5 %), Фарғона (8,8 %), Андижон (8,4 %), Қашқадарё (7,5 %) ва Бухоро (7,4 %) вилоятларига тўғри келади.

Транспорт хизматларининг умумий ҳажмида автомобиль транспортида кўрсатилган хизматларнинг энг паст улуши Сирдарё (1,7 %), Жиззах (2,7 %), Навоий (3,0 %) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (3,2 %) қайд этилди.

**Худудлар бўйича автомобиль транспортида кўрсатилган хизматлар улуши
(автомобиль хизматларининг умумий ҳажмига нисбатан), %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)**



Савдо - бу товарларнинг айланишини, уларнинг ишлаб чиқариш соҳасидан истеъмол соҳасига ўтишини таъминлайдиган иқтисодиёт соҳасидир. Бир мамлакатнинг бошқа давлатларлар билан товарлар импорти ва экспортидан иборат бўлган савдоси ташқи савдо, турли мамлакатларнинг бир-бири билан умумий савдо-сотиғи халқаро савдо ҳисобланади. Маълум бир давлат ичида савдо ижтимоий зарур истеъмолчига товарларни этказиб бериш функцияни бажаради. У улгуржи ва чакана савдога бўлинади.

Савдо шу жумладан, электрон хизматларининг ялпи ишлаб чиқарилган ҳажми жорий нархларда ялпи даромади, яъни сотиб олиш ва сотиш нархлари орасидаги фарқининг умумий қиймати акс эттирадилар. Товарларни бошқа шахс манфаатлари учун олди-сотди шартномалар комиссиялар ёки агентлик шартномалари асосида сотиш бўйича битим тузилган тақдирда, хизматлар қийматида мукофот миқдори акс эттирилади.

2019 йил январь-сентябрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмидаги савдо хизматларининг улуши 25,2 % ни ташкил этиб, бу 34 213,9 млрд. сўмга тенг бўлди.

Чакана савдо хизматлари умумий савдо хизматлари ҳажмининг қарийб тўртдан учи – 66,9 % га тўғри келади.

**Савдо хизматлари таркиби, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)**


Савдо хизматлари - 100,0 %



2019 йил январь-сентябрь ойларида улгуржи савдо хизматларининг улуши (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) 25,8 % га етди.

Автомобиллар ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар, жумладан, уларни таъмирлаш бўйича хизматларни кўшган ҳолда савдо хизматларининг умумий ҳажмидаги улуши 7,3 % ни ташкил этди.

**Худудлар кесимида савдо хизматлари ҳажми, млрд. сўм
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)**



Савдо хизматлари умумий ҳажмининг деярли учдан бир қисми Тошкент шаҳрига – 11 040,0 млрд. сўм ёки 32,3 % га тўғри келади. Шунингдек, энг катта ҳажм Тошкент – 3 062,5 млрд. сўм (9,0 %), Фарғона - 2 582,9 млрд. сўм (7,6 %), Самарқанд – 2 566,7 млрд. сўм (7,5 %), Андижон – 2 256,3 млрд. сўм (6,6 %) ва Сурхондарё - 2 227,5 млрд. сўм (6,5 %) вилоятларида кузатилди.

Савдо хизматларининг нисбатан паст ҳажми Сирдарё 557,6 млрд. сўм (1,6 %) Жиззах 1 005,3 млрд. сўм (2,9 %), Хоразм 1 142,7 млрд. сўм (3,3 %), Навоий 1 189,0 млрд. сўм (3,5 %) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида 945,5 млрд. сўм (2,8 %) қайд этилди.

Пул-кредит сиёсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳатлар молиявий хизматлар ҳажмини ошишига таъсир кўрсатди.

Маълумот учун: “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг хорижий ва миллий валютадаги узоқ муддатли дефолт рейтинги (“РДЭ”) “ББ-“ даражасида тасдиқлади. Рейтинглари бўйича прогноз - “Барқарор”.


Мутахассисларнинг фикрига кўра, “Ўзбекистон рейтинглари, бир томондан, молиявий ҳолатининг мустақкамлиги, мўтадил даражадаги давлат қарзи ва таққосланадиган рейтингларга эга бўлган мамлакатларга нисбатан юқори иқтисодий ўсишига эгаллиги акс эттиради; иккинчи томондан, юқори хомашё қарамлиги, юқори инфляция ва аҳоли эсон бошига ЯИМнинг нисбатан пастлиги нуқтаи назаридан таркибий заифликлар ва институционал муҳитнинг паст даражаси ва таққосланадиган рейтингга эга бўлган эмитентларга нисбатан бошқарув сифати акс эттирилган.”

Шу билан бирга, “мамлакат ҳукумати барқарорликни ошириш ва ўсиш истиқболларини яхшилашга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишига, шунингдек институционал муҳит ва бошқарув сифати нуқсонларини бартараф этишига қаратилган. Ҳукумат шунингдек, пул-кредит сиёсатини кучайтириш, макроиқтисодий барқарорлик учун хавфларни камайтириш ва қарзларнинг тез ва барқарор тўпланишига йўл қўймаслик мақсадида пул-кредит ва солиқ сиёсатининг мақсадлари ўртасидаги тафовутларни бартараф этишига қаратилган сай-ҳаракатлар” қайд этилди.

2019 йил январь-сентябрь ойларида молиявий хизматлар ҳажми 24 401,2 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9 587,0 млрд. сўмга ошди.

2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан молиявий хизматларнинг ўсиши Сирдарё (2,1 марта), Жиззах (90,0 %), Наманган (74,1 %), Бухоро (72,7 %), Навоий (72,3 %) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (74,7 %) кузатилди.

Худудлар кесимида молиявий хизматларнинг ўсиш суръатлари, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Бошқа худудларга қараганда ушбу даврда ўсиш суръатлари нисбатан паст Тошкент (148,4 %), Қашқадарё (150,9 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (158,0 %) кузатилди.

Яқин хориж мамлакатларининг кредит рейтинглари

	Standard & Poor's	Fitch Ratings	Moody's Investors
Россия	BBB-	Baa3	BBB-
Қозоғистон	BBB-	Baa3	BBB
Озарбайжон	BB+	Ba2	BB+
Грузия	BB-	Ba2	BB
Беларус	B	B3	B
Ўзбекистон	BB-	B1	BB-
Арманистон		B1	B+
Тожикистон	B-	B3	
Украина	B-	Caа1	B-
Қирғизистон	NR	B2	

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида сугурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматларнинг улуши 90,5 % ни ташкил этади.

Молиявий хизматларнинг таркиби, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Маълумот учун: Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда мувофиқликни баҳолаш учун балл тўплами мавжуд:

- ESG 4 "Фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликлари" параметрлари бўйича, чунки Жаҳон банкининг бошқарув кўрсаткичлари Фитч суверен рейтинг моделида энг юқори улушга эга, рейтинг ва рейтинг омилларига тегишли ҳисобланади.

- "Сиёсий барқарорлик ва сиёсий ҳуқуқлар" ESG 5 параметри бўйича.

- Қонун устуворлиги, институтларнинг сифати ва коррупцияни тартибга солиш ва назорат қилиш" ESG 5 параметри бўйича.

- ESG 4 "Кредиторларнинг ҳуқуқлари" параметрига мувофиқ, чунки қарзни тўлашга тайёрлик ва тўлашга тайёрлик рейтинг ва рейтинг омили учун муҳимдир.

Шу билан бирга, Fitch Ratings ҳисоботида кўра қуйидагилар тасдиқланди:

- эмитентнинг қисқа муддатли дефолт рейтинги "B" даражасида;

- миллий валютадаги эмитентнинг узоқ муддатли дефолт рейтинги "BB-" даражасида, прогноз "Барқарор";

- миллий валютадаги эмитентнинг қисқа муддатли дефолт рейтинги "B" даражасида;

- "BB-" даражасида мамлакатнинг энг юқори даражаси;

- "BB-" даражасида узоқ муддатли устувор таъминланмаган рейтинг тасдиқланди (<https://www.fitchratings.com/>).

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида компьютер ва телекоммуникация технологияларини ишлаб чиқариш, дастурий таъминотни ишлаб чиқариш ва кенг интерфаол хизматларни тақдим этишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) сектори тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, АКТ ривожланиши мамлакатнинг рақобатбардошлик даражасига бевосита таъсир қилади, сизга катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш ва умумлаштиришга имкон беради, стратегик даражада бошқарув учун катта имкониятлар очади.

2019 йил январь-сентябрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми 7 713,3 млрд. сўмга тенг бўлди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ушбу турдаги хизматларнинг ўсиш суръати 108,1 % га етди. Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмидаги улуши 5,7 % ни ташкил этди.


Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг таркиби, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улушни телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиль алоқа хизматлари, Интернет тармоғи, йўлдошли алоқа хизматлари ва бошқалар) эгаллаб, 80,5 % ни ташкил этди.

Жорий даврда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари умумий ҳажмида нашриётчилик хизматлари – 5,6 %, компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш хизматлари ва бошқа ёрдамчи хизматлар – 6,8 %, ахборотлаштириш хизматлари – 2,9 %, дастурлар тузиш ва телерадиоэшиттиришлар бўйича хизматлар – 3,5 %, бошқа хизматлар – 0,7 % ни ташкил этиши қайд этилди.

Худудлар кесимида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари умумий ҳажмида телекоммуникация хизматларининг улуши, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Телекоммуникация хизматларининг энг юқори кўрсаткичлари Жиззах (98,9 %), Сирдарё (98,0 %), Самарқанд (97,9 %), Андижон ва Қашқадарё (96,9 %) вилоятларида қайд этилди.

Тошкент шаҳри – етарли даражада ривожланган ахборот-коммуникация инфратузилмасига эга худуддир.

Бошқа худудлар билан таққослаганда бу ерда компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш хизматлари ва бошқа ёрдамчи хизматлар (11,9 %), нашриётчилик хизматлари (8,7 %), дастурлар тузиш ва телерадиоэшиттиришлар бўйича хизматлар

(6,2 %), ахборот соҳасидаги хизматлар (4,9 %), кино-видеофильмлар ва телевидение дастурлари ишлаб чиқариш бўйича хизматлар овоз ёзиш ва мусиқа асарларини нашр қилиш бўйича хизматлар (1,3 %) да энг юқори кўрсаткичлар қайд этилган бўлиб, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркибида эса телекоммуникация хизматлари улуши Тошкент шаҳрида нисбатан паст бўлган, бу 67,0 % ни ташкил этди.

Амалиёт шуни кўрсатадики, билимлар ва хизматлар иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шарти кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ривожланган тизими ҳисобланади.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган таълим ва фан соҳасини ривожлантириш қуйидагилардан иборат:

узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

Амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида мамлакатга турли соҳаларда юқори малакали мутахассислар керак. Юқори малакали кадрлар инновацион иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлади.

2019 йил январь-сентябрь ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 4 603,6 млрд. сўмга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 3,4 % ни ташкил этди.

Таълим соҳасидаги хизматлар



Хизматлар ҳажми
4 603,6 млрд. сўм



Ҳажмнинг ошиши
693,1 млрд. сўмга



Улуши
3,4 %

Кўрсатилган таълим соҳасидаги хизматларнинг энг катта ҳажми Тошкент шаҳрида қайд этилди. 2019 йил январь-сентябрь ойларида 1 976,9 млрд. сўмга етди. Бунинг сабаби, олий ўқув юртлари ҳамда тўлов-контракт асосида хизмат кўрсатадиган хорижий олий ўқув юртлари филиалларининг катта қисми бу ерда жойлашганлигидир.

**Худудлар кесимида таълим соҳасида кўрсатилган
бозор хизматлари ҳажми, млрд. сўм
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)**




Жорий даврда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ҳажми 4 073,4 млрд. сўмга етди. 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръатлари 106,2 % ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг улуши 3,0 % га тенг бўлди.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар



Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг энг юқори ҳажми Тошкент шаҳрида - 1 853,9 млрд. сўмни ташкил этди. 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 338,8 млрд. сўмга ошиши кузатилди.


Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмини таққослаш, млрд. сўм (2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Бунинг ўсишига озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматлар ҳажмининг ошиши таъсир кўрсатди, уларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 238,9 млрд. сўмга кўпайди.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар умумий ҳажмида озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматларнинг улуши 78,3 % билан устунлик қилади.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг таркиби, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



2019 йил январь-сентябрь ойларида яшаш бўйича хизматлар улуши 21,7 % ни ташкил этди. Ушбу турдаги хизматларнинг ўсишига дам олиш уйлари, болалар лагерлари, коттеджлар ва бошқа дам олиш масканлари хизматларига бўлган аҳолининг талаби ўз ҳиссасини қўшди.

Ҳозирги кунда мамлакатда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш бир хил йўналишда мустақил Ўзбекистон фуқароларининг ҳаёт даражаси ва сифатини доимий равишда оширишга қаратилган динамик ўзгаришлар билан ривожланмоқда.

Бугун республиканинг барча хуудларида ихтисослаштирилган илмий ва амалий тиббиёт марказларида кардиология, жаррохлик, кўз микрохирургияси, урология, терапия ва тиббий реабилитация, эндокринология, пулмонология ва фтизиология, акушерлик ва гинекология, педиатрия ва бошқа соҳаларда юқори сифатли тиббий хизматлар кўрсатилмоқда.


Соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, замонавий технологиялар ва даволаш усулларини кенг жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шундай қилиб, 2019 йил январь-сентябрь ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларнинг ҳажми 445,2 млрд. сўмга ошди ва 2 053,1 млрд. сўмга етди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 108,7 % ни ташкил этди.

Хуудлар орасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар бўйича етакчи ўринни Тошкент шаҳри эгаллайди, жорий йилда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳажми 234,5 млрд. сўмга кўпайди. Унинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги бозор хизматлари умумий ҳажмидаги улуши 42,4 % ни ташкил этди.

Шу билан бирга, нисбатан юқори улуш Тошкент (10,1 %), Фарғона (7,9 %), Самарқанд (6,2 %), Андижон (5,4 %), Бухоро (5,2 %) ва Наманган (5,1 %) вилоятларида қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларнинг умумий ҳажмида хуудлар улушини хуудлар кесимида таққосланиши, %



Жорий даврда соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмидаги хизматларнинг улуши нисбатан катта бўлмаган ҳудудлар Сирдарё (1,3 %) ва Навоий (1,8 %) вилоятлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси (2,2 %) ҳиссасига тўғри келади.

Ижтимоий, сиёсий, жамоатчилик муаммоларини, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини кўтармасдан, уларнинг барқарор ривожланишисиз ҳал қилиб бўлмайди. Ҳудудий сиёсат мақсадларига фақат иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган лойиҳаларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин.

Замонавий Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари миллий ва маҳаллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда республиканинг ҳар бир иқтисодий тумани ва вилоятларининг барча ресурсларидан оқилона фойдаланишига боғлиқдир.


Хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси аҳолининг ҳудудий ва ижтимоий ҳаракатчанлигини, янги хўжалик ҳудудларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш самардорлигини ва моддий маҳсулотлар истеъмолини оширишни таъминлайди.

Хизматларнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши энг аҳамиятли бўлиб, 34,0 % ни ташкил этади. Бу аҳоли реал даромадлари бошқа вилоятлардан кўра юқорироқ эканлиги билан изоҳланади.

Бундан ташқари, энг катта улуш Тошкент (7,1 %), Самарқанд (6,4 %), Фарғона (5,9 %) ва Андижон (5,2 %) вилоятларида қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматлари таркиби, %

(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Хизматлар соҳасининг энг паст кўрсаткичлари Сирдарё (1,4 %), Жиззах (2,2 %), Навоий (2,6 %), Хоразм (3,0 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (3,0 %) белгиланди.

Мамлакатимизда ҳудудлар молиявий салоҳиятини юксалтириш ва унда хизматлар соҳасининг ролини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасидаги лойиҳалар бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиради.

Ушбу даврда юкори ўсиш суръатлари Сирдарё (121,1 %), Жиззах (116,2 %), Хоразм (114,0 %), Қорақалпоғистон Республикаси (114,9 %) ва Тошкент шаҳрида (116,7 %) қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, %

(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Нисбатан паст ўсиш суръатлари Тошкент (108,4 %), Самарқанд (109,4 %), Фарғона (110,0 %), Наманган ва Сурхондарё (111,1 %) вилоятларида кузатилди.

Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш

(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)

	Жами			Аҳоли эсон бошига	
	млрд.сўм	2018 йил январь-сентябрга нисбатан %	жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, %	минг сўм	2018 йил январь-сентябрга нисбатан %
Ўзбекистон Республикаси¹⁾	135 572,0	112,7	100,0	4 048,1	110,7
Қорақалпоғистон Республикаси	4 036,1	114,9	3,0	2 147,1	113,2
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	6 996,7	111,9	5,2	2 265,4	109,8
Бухоро	5 781,8	111,6	4,3	3 034,4	109,8
Жиззах	2 975,6	116,2	2,2	2 182,5	113,8
Қашқадарё	6 227,5	112,1	4,6	1 923,7	109,8
Навоий	3 485,3	112,8	2,6	3 534,8	110,8
Наманган	5 316,8	111,1	3,9	1 916,5	108,8
Самарқанд	8 729,0	109,4	6,4	2 280,3	107,2
Сурхондарё	5 234,1	111,1	3,9	2 020,0	108,7
Сирдарё	1 877,6	121,1	1,4	2 246,4	118,9
Тошкент	9 683,6	108,4	7,1	3 323,0	106,9
Фарғона	8 001,2	110,0	5,9	2 157,8	108,0
Хоразм	4 071,4	114,0	3,0	2 205,5	112,1
Тошкент шаҳри	46 102,9	116,7	34,0	18 205,2	114,4


¹⁾Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмларни қўшиган ҳолда

Ўтган йилга нисбатан аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 753,2 минг сўмга ошди ва 4 048,1 минг сўмга тенг бўлди, ўсиши 10,7 % ни ташкил этди.

Ушбу кўрсаткич бўйича Тошкент шаҳри етакчи ўринни эгаллайди. Бу ерда аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми 18 205,2 минг сўм эквивалентида қайд этилди.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми, минг сўм

(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Шу билан бирга, юқори кўрсаткичлар Навоий (3 534,8 минг сўм), Тошкент (3 323,0 минг сўм), Бухоро (3 034,4 минг сўм) вилоятларида қайд этилди.

Наманган (1 916,5 минг сўм), Қашқадарё (1 923,7 минг сўм) ва Сурхондарё (2 020,0 минг сўм) вилоятларида бошқа ҳудудларга нисбатан аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми паст.


Хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси аҳолининг ҳудудий ва ижтимоий мобиллигини, янги иқтисодий ҳудудларни ўзлаштирилишини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва моддий маҳсулотлар истеъмоллини оширишни таъминлайди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиши Сирдарё (18,9 %), Жиззах (13,8 %), Хоразм (12,1 %) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (13,2 %) ва Тошкент шаҳрида (14,4 %) қайд этилди.

Нисбатан юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Тошкент (106,9 %), Самарқанд (107,2 %), Фарғона (108,0 %), Сурхондарё (108,7 %), ва Наманган (108,8 %) вилоятларида қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, %


(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми Тошкент шаҳрида энг кўп ўсди, бу кўрсаткич 3 567,5 минг сўмга ошди. Бу ерда аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўсиши аввало, бу етарли даражада индустриал ривожланган ҳудуд ҳисобланади ҳамда бу ерда яшайдиган аҳолининг реал даромадлар даражаси бошқа ҳудудларга нисбатан баландроқ.

Шунингдек, 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш Навоий (652,1,0 минг сўмга), Тошкент (552,7 минг сўмга), Бухоро (526,1 минг сўмга), Сирдарё (492,5 минг сўмга), Жиззах (428,2 минг сўмга), Хоразм (415,5 минг сўм) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (383,3 минг сўмга) қайд этилди.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ошиши, минг сўм



● 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан

Хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси аҳолининг муносиб ҳаёт сифатини таъминлаш кўрсаткичидир, чунки хизматлар бозорини ривожланишига таъсир қилувчи омил аҳолининг реал даромадлари ва турмуш даражасининг ўсиши ҳисобланади.

Мамлакатимизда постиндустриал ахборот жамияти шаклланиши билан хизматлар соҳасининг роли тобора ўсиб боради, чунки аҳолининг эҳтиёжлари доимий равишда ўсиб боради ва уларнинг хилма-хиллиги доимий равишда кенгайиб боради.

Кейинчалик янги иш ўринларини яратиш орқали иқтисодийни барқарор ўсишини таъминлаш, инвестиция, солиқ, пул-кредит сиёсатини, фан ва техник сиёсатини такомиллаштириш ва янги ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали кичик бизнесни ривожлантириш бозор хизматларининг тармоқлар таркибида, сифатли таркибий ўзгаришларга олиб келади.

Бу Ўзбекистонда хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг оқилона таркибини шакллантириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш имконини берди.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Хизматлар истеъмолчилар (юридик ва жисмоний шахслар) ҳолатини ўзгартирувчи ёки товарлар, хизматлар ёки молиявий активлар билан айирбошлашига кўмаклашадиган ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

Хизматнинг ўзига хос хусусияти, хизматни бажариш ва уни истеъмол қилиш даврининг бир хил вақтга тўғри келиши ҳисобланади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажмида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича, қўшилган қиймат солиғисиз, ҳисобланган тўловлар ҳисобга олинади.

Хизматлар олди-сотди объекти сифатида чиққанда ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (хизматларни ишлаб чиқарувчининг сарф-харажатларини тўлалигича ёки сезиларли даражада қоплайдиган) нархларда сотилганда, хизматлар бозор учун мўлжалланиб ишлаб чиқарилган ҳисобланади.

“Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми” статистик кўрсаткичи - маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматини ўлчовчи, истеъмолчиларга (юридик ва жисмоний шахслар, норезидентларни қўшган ҳолда) кўрсатилган хизматлар қийматини акс эттиради.

Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми, бу хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланмайдиган барча хизматлар ишлаб чиқарувчилари (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан кўрсатилган бозор хизматлари қийматидир.

Истеъмолчилар томонидан хизматлар учун тўловлар нақд пул, шу жумладан пластик карточкалар ва пул ўтказиш, электрон тўловлар ва электрон пуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

Норезидентларга кўрсатилган хизматлар (агар тўлов сўмда амалга оширилмаган бўлса), хизматларга тўловларни амалга ошириш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сўмнинг белгиланган курси бўйича қайта ҳисобланган, шартнома нархлари бўйича аниқланади.

Электрон тўловлар – техник воситалар, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш.

Электрон пуллар – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пуллар эмитентлари томонидан чиқариладиган пуллар бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида номланиши лозим.

Фаолият турлари бўйича хизматларни таснифлаш, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичига (кейинги ўринларда МСТ деб аталади) мувофиқ амалга оширилади.

Бозор хизматлари ҳажми МСТ бўйича таснифланган барча иқтисодий фаолият турларининг хизматларга тегишли қисми (G-S секциялар) бўйича шакллантирилади.

Амалдаги нархларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини ишлаб чиқариш мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади.

Молиявий хизматлар Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилади. Бу гуруҳ хизматларга банкларнинг молиявий воситачилиги хизматлари (молиявий лизинг, кредит бериш),

шу жумладан, масофавий банк хизматлари (интернет-банкнинг, мобил-банкнинг), инвестиция фондлари ва бошқа молиявий ташкилотларнинг молиявий воситачилиги, молия бозорлари (фонд ва валюта биржалари) фаолиятининг ёрдамчи молиявий воситачилик хизматлари ва бошқа молиявий хизматлар киради.

Амалдаги нархларда молиявий хизматларнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми молиявий воситачилик ҳисобидан олинган фоизли даромадлар ҳажми (хизматлар учун белгиланган тўловлар миқдоридан) ҳисобга олинади. Чет эл валютасида келиб тушадиган фоизли даромадлар ҳисобот давридаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тегишли курси бўйича ҳисоб-китоб қилинади ва сўмда акс этирилади.

Транспорт хизматлари транспортнинг барча турларида юкларни ва йўловчиларни ташиш фаолияти, шунингдек транспортировка қилишда ёрдамчи хизмат турлари, жумладан логистик хизматларни ўз ичига олади.

Амалдаги нархларда транспорт хизматларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми транспорт турлари бўйича транспорт жараёнига (юкларни тушириш ва юклаш ишлари, транспорт-экспедиторлик хизматлари, транспорт хизмати ва бошқалар) бевосита боғлиқ бўлган ташиш ва бошқа фаолиятдан олинган даромад суммаси сифатида аниқланади. Транспорт хизматлари умумий ҳажмида почта ва курьерлик фаолиятининг ишлаб чиқарилган ялпи ҳажми ҳисобга олинади.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар меҳмонхоналар, отеллар, мотеллар ва бошқа яшаш учун жойлар каби қисқа муддатли турар жой билан таъминлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматларни ўз ичига олади.

Савдо хизматлари улгуржи ва чакана хизматларини бирлаштириб, шунингдек бошқа шахс манфаатлари учун товарларни олди-сотди шартномалари, комиссиялари ёки агентлик шартномалари асосида сотилган воситачилик хизматлари ҳамда автомобиль ва мотоциклларни таъмирлаш хизматларини ўз ичига олади.

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларни кўрсатишда кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар бўйича хизматлар қиймати, корхонанинг шахсий, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарувидаги, шунингдек ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлари, ушбу фаолият ташкилотнинг асосий фаолияти ёки йўқлигидан қатъий назар акс этирилади.

Таълим соҳасидаги хизматлар олий, ўрта махсус, касб-хунар, умумтаълим, мактабгача таълим давлат муассасаларида тижорат асосида таълим олишни, шунингдек, радио ва телевидение, Интернет-каналлар ва почта алоқаларини қўшган ҳолда ҳар қандай даражадаги хусусий таълим олиш ва хоҳлаган касбга ўқишни қамраб олади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар стационар шифохона муассасалари, поликлиникалар, стоматология муассасалари ва тиббий лабораториялар томонидан пул асосида кўрсатилган комплекс хизматларни қамраб олади.

Ижара хизматлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми машиналар ва асбоб-ускуналарни операторларсиз ижарага бериш, майший жиҳозлар ва шахсий эҳтиёж буюмларини ижарага беришдан олинган даромад миқдори сифатида аниқланади.

Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ҳажми шартномада назарда тутилган талабларга мувофиқ лойиҳалар, изланишлар, конструкторлик ва технологик ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар, шунингдек, қурилиш ишлари устидан назорат ва бошқа инженерлик хизматларининг қийматини ўз ичига олади.